

«Йил имоми-2023» кўрик танловининг Тошкент шаҳар босқичи



21:24 / 13.09.2023 858

Бугун Тошкент шаҳридаги «Шайх Зайниддин» жомеъ масжидининг мажлислар залида «Йил имоми-2023» кўрик танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Тадбирда Тошкент шаҳар бош имом-хатиби Абдуқаҳҳор домла Юнусов, таниқли имомлар, устозлар, ҳакамлар ҳайъати аъзолари ҳамда танловнинг туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган 12 нафар имом-домла иштирок этди.

Қуръони Карим тиловати билан бошланган тадбирни Тошкент шаҳар бош имом-хатиби Абдуқаҳҳор домла Юнусов очиб бердилар.

Иштирокчиларнинг чиқишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланиб борилди. Якуний натижаларга кўра қуйидагилар «Йил имом-2023» танловининг Тошкент шаҳар босқичи ғолиби деб топилди:

I ўрин: Яшнобод тумани, «Холид ибн Валид» жомеъ масжиди имом-хатиби Исроилжон домла Исмоилжонов;

II ўрин: Учтепа тумани, «Абу Хурайра» жомеъ масжиди имом-хатиби Муҳиддин домла Нўмонжонов;

III ўрин: Шайхонтоҳур «Эшонгузар» жомеъ масжиди имом-хатиби Ислонхон домла Убайдуллаев;

Тадбир сўнгида ғолиблар Ўзбекистон мусулмонлари идораси Тошкент шаҳар вакиллиги томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

«Йил имоми-2023» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичида биринчи ўринни эгаллаган Исроилжон домла Исмоилжонов танловнинг республика босқичида қатнашади.

Фурсатдан фойдаланиб, биринчи ўринни қўлга киритган вакилимизни танловнинг республика босқичида муваффақият қозонишини Аллоҳ таолодан сўраб қоламиз.





